

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

LH6546867684

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **PUDRAT ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: ZOMIN TUMANI HOKIMLIGI "OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI" tomonidan 14.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjalariiga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Zomin tumani yuridik  
markaz  
bosh yuristkonsulti:



D.T.RAVSHANOVA

14.11.2022

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
JIZZAX VILOYATI  
ZOMIN TUMANI  
OBODONLASHTIRISH  
BOSHQARMASI



БЛАГОУСТРОЙСТВА  
ХОКИМИЯТА  
ЗААМИНСКОГО РАЙОНА  
ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Zomin shaharchasi G'. Abdullaev ko'chasi, tel.: 8-372-392-14-49

« 15 » ноябр 2022 йил.

№136

Зомин ш.

## МАЪЛУМОТНОМА

Зомин туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан электрон давлат харидлари ахборот порталига жойлаштирилган Бешкуби ҚФЙ Бешкуби қишлоғи Ахтихона кўчаси йўлини жорий таъмирлаш, Лот рақами- 177276 бўлган бошланиш санаси 5 ноябр 2022 йил тугаш санаси 11 ноябр 2022 йил бўлган эълон ҳамда Бешкуби ҚФЙ Увол қишлоғи йўлини жорий таъмирлаш, Лот рақами- 177269 бўлган бошланиш санаси 5 ноябр 2022 йил тугаш санаси 11 ноябр 2022 йил бўлган эълонлар якунланган ва Давлат харидлари тўғрисидаги 684-қонуннинг 61-моддасига асосан (Танлов иштирокчилари томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар тушганда харид комиссияси эътиrozларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласи) ҳеч қандай эътиrozлар келиб тушмаган.

Комиссия котиби:

У.Ўролов

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 24

“14” ноябр 2022 йил

Зомин тумани

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Зомин тумани ободонлаштириш бошқармасиномидан Низом асосида иш кўрувчи директор А.Юсупов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “MUSLUMBEK STROY GROUP” МЧЖномидан Низом асосида иш кўрувчи З.Омонов иккинчи томондан Жиззах вилояти Зомин тумани Бешкуби ҚФЙ Ахтихона маҳалласига олиб борувчи қишлоқ йўли (2,0км)ни жорий таъмиглашга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## 1. Таърифлар

### 1. Мазкур шартномада тарифлар қўлланилади:

**«ижро хужжатлари»:** — натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар:

**«курилиш майдони»:** Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофик белгиланган бошка белгилар билан белгилаб қўйилади.

**«вақтинчалик ишлар»:** Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**«беркитилган ишлар»:** — сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**шартномани нархини бўлиб чиқиш:** ишларнинг ҳар бир боскичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолдаишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### **III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.**

3. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 12 апрел 2022 йил 01/03-05-32/199 хатига асосантасдиқланган манзилли дастурга асосан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан

**Жиззах вилояти Зомин тумани Бешкуби ҚФЙ Ахтихона маҳалласига олиб борувчи қишлоқ йўли (2,0км)ни жорий таъмирлаш ишлари экспертиза қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ҚҚС билан 1.175.000.000(бир миллиард бир юз етмиш беш миллион) сўмни ташкил этади.**

курилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимидаги назарда тутилган ишларни бажариш учун:

— барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

— 1-иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни кабул килиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;

- Таъмирлаш ишларини бошлашдан олдин, йўлнинг таъмирлаш қисмida ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш буйича йўл ҳаракати хавфсизлиги (ДАН) ҳудудий бўлими билан келишган ҳолда, ҳаракат хавфсизлиги буйича чора-тадбирлар ишлаб-чиқиши шарт.

— қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

— буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

— қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли

курилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш майдонини қўрикланишини таъминлаш;

курилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50%дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда обьектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини обьект курилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

— ишлар бажарилиши устидан доимий курилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

— молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

— мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан кунгина киради;

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аниқланган курилишнинг давом этиш вақти йшлар бошланган кундан эътиборан 2022 йил 25 ноябргача.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича олдиндан ишлар умуний қийматининг 15% миқдорида аванс ўтказади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади (1,2-илова)

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 85% гача доирасида амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида саклаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод қилинмайди.

### VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини — Техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник назоратчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аникланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбобускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қиласди.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чикариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро

муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмасилиги билан боғлик тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан коникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

## **IX. Ишларини қўриқлаш**

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган обьект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар обьект қабул қилиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишида узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама киладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳаклидир.

## **XI. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш**

44. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган обьектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёrlиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 25 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан

белгилаган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

— барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

— лойиха хужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

— ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

— ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вактида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хукуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

### XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда;
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган заарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштиргмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0.4 % миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равища бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0.2 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пеняning умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0.4 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняning умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод этмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса у холда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хulosаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 50 фоизи миқдорида ундириш хукуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда туттилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплади.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

#### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартериш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни колдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод килиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

## XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

### «БУЮРТМАЧИ»

**Зомин туман ободонлаштириш бошкармаси**  
Тел./факс 8-372-392-14-49  
Зомин т. «Бирлик» МФЙ Ф.Абдуллаев қўчаси  
Шfx: 401722860082187045204110004  
ИНН: 201462789 ОКЭД: 90211  
Молия Вазирлиги Фазначилиги  
ЯFX 23402000300100001010

ИНН: 201122919



А. Юсупов

### «ПУДРАТЧИ»

**“MUSLUMBEK STROY GROUP” МЧЖ**  
Тел. +99893 940-75-07  
Бахмал тумани Новка қишлоғи  
Х|Р: 2020800005065050001  
ТИФ «Миллий банк»  
Жиззах вилоят бўлими  
МФО: 00121 ИНН: 306 362 487



З. Омонов

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 177276 на приобретение Beshkubi QFY Axtixona mahallasida 2 km qishloq yo'li asfalt qilinishi kerak!**

Способ проведения электронный

Дата 11.11.2022

Время рассмотрения 11.11.2022 21:07

Закупочная комиссия Зомин туман ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

|                       |                                       |        |        |
|-----------------------|---------------------------------------|--------|--------|
| Председатель комиссии | AXMEDOV ELMUROD ABDUVALIYEVICH        | 5      | 5      |
| Секретарь комиссии    | URALOV UCHKUN ABDUGAFFAROVICH         | D      | D      |
| Член комиссии         | MUXAMADIYEV RAXMONKUL UMMATKUL O'G'LI | 5      | 5      |
| Член комиссии         | AXMEDOV XAYRULLA ACHILOVICH           | 5 kubi | 5 kubi |
| Член комиссии         | MAMATQULOV OLLOBERDI AXMAD O'G'LI     | 5 куби | 5 куби |
| Член комиссии         | ESHMURZAYEV UMMATKUL XURAZOVICH       | 5      | 5      |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 11.11.2022 года № лота 177276.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 65

Предмет закупки:

|                                      |  |
|--------------------------------------|--|
| Наименование товара (работы; услуги) | Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог                               |
| Подробное описание*                  | Beshkubi QFY Axtixona mahallasida 2 km qishloq yo'li asfalt qilinishi kerak! |
| Количество товара                    | 1.00   |
| Единица измерения                    |  |
| Цена товара (услуги) за единицу      | 1177 329 177.00  |
| Стартовая сумма                      | 1177 329 177.00  |
| Валюта                               | UZS  |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Талабгор ташкилотнинг автомобил йўллари, кўприклар соҳасида электрон рейтингги

Тип: Текстовое значение

Описание: автомобил йўллари, кўприклар соҳасида бўлиши ва рейтингидан кам бўлмаслиги керак

Обязательность: Не критично

| Наименование участника   | Макс балл | Значение участника   | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------|-----------|--|----------------|------------|------------|---------|
| ЗОМИН ТУМАНИЙФУК         | 15        | Автомобил йўллари, кўприклар соҳасида электрон ретингги В да . | 8              | Экспертная |            |         |
| MANSUR STROY HOUSES MCHJ | 15        | Малумот такдим этилди  | 15             | Экспертная |            |         |

| Наименование участника       | Макс балл | Значение участника                                       | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|------------------------------|-----------|--|----------------|------------|------------|---------|
| MUSLUMBEK STROY GROUP MCHJ   | 15        | базадан олинган электрон рейтинг маълумоти илова килинди | 15             | Экспертная |            |         |
| SANGZOR TA'MINOT INVEST MCHJ | 15        | Хужжат илова килинади                                    | 6              | Экспертная |            |         |

Критерий №2 Солиқлардан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлардан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумот.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника       | Макс балл | Значение участника  | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|------------------------------|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| ZOMIN TUMANI YFUK            | 15        | Корхона соликдан қарзи йўк малумот тагдим килинади  | 15             | Экспертная |            |         |
| MANSUR STROY HOUSES MCHJ     | 15        | солик ва бошка идоралардан қарздорлигимиз мавжуд емас   | 15             | Экспертная |            |         |
| MUSLUMBEK STROY GROUP MCHJ   | 15        | Давлат солик инспекциясидан соликдан қарздорлик йўқлиги тўғрисидаги сайдан олинган маълумотнома илова килинди | 15             | Экспертная |            |         |
| SANGZOR TA'MINOT INVEST MCHJ | 15        | Хужжатлар илова килинади  | 15             | Экспертная |            |         |

Критерий №3 Ишчи ходимлар сони

Тип: Текстовое значение

Описание: Малкалали, маълумотли кадрларга қанчалик кўп эгалиги қўллаб қувватланади.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника     | Макс балл | Значение участника  | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|----------------------------|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| ZOMIN TUMANI YFUK          | 15        | Корхонада 194 та Инженер, техник, ишчи, ва механизатор, лар узок йиллик иш стажига эга ходимлар фаолият курсатади | 15             | Экспертная |            |         |
| MANSUR STROY HOUSES MCHJ   | 15        | Малумот тақдим этилди   | 8              | Экспертная |            |         |
| MUSLUMBEK STROY GROUP MCHJ | 15        | ходимлар рўйхати меҳант вазирлигидан  | 15             | Экспертная |            |         |

| Наименование участника       | Макс балл | Значение участника                              | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|------------------------------|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
|                              |           | бөрілгөн махсус гуохномалар билан илова қилинди |                |            |            |         |
| SANGZOR TA'MINOT INVEST MCHJ | 15        | Хужжатлар илова килинади                        | 15             | Экспертная |            |         |

Критерий №4 Курилиш майдони билан танишганлиги түғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш майдони билан танишганлиги түғрисида маълумот

Обязательность: Не критично

| Наименование участника       | Макс балл | Значение участника  | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|------------------------------|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| ZOMIN TUMANI YFUK            | 15        | Курилиш майдони жойида бориб урганилди хужжат тағдим килинди  | 8              | Экспертная |            |         |
| MANSUR STROY HOUSES MCHJ     | 15        | Малумот тақдим етилди   | 8              | Экспертная |            |         |
| MUSKUMBEK STROY GROUP MCHJ   | 15        | Буюртмачи вакили иштирокда курилиш майдони билан танишганлик түғрисидаги тасдиқланган далолатнома илова килинди | 15             | Экспертная |            |         |
| SANGZOR TA'MINOT INVEST MCHJ | 15        | Хужжатлар илова килинади  | 15             | Экспертная |            |         |

Критерий №5 Ишларни ўз вақтида сифатли бажариш учун зарур техника ва кичик механизмларга эга эканлиги бўйича

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. асфальтукладчик.2 каток(8 т).3 Автогрейдер. 4 юк ташиш техникалари. 5 кичик механизмлар.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника   | Макс балл | Значение участника  | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| ZOMIN TUMANI YFUK        | 15        | Махсус йул курилиш техникалари, автосомасваллар, Асфальт Заводлар ,ва кичик механизмлар жами 80 тадан ошик соз техникалар корхона балансида мавжуд. | 15             | Экспертная |            |         |
| MANSUR STROY HOUSES MCHJ | 15        | Малумот тақдим етилди   | 8              | Экспертная |            |         |

| Наименование участника       | Макс балл | Значение участника  | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|------------------------------|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| MUSLUMBEK STROY GROUP MCHJ   | 15        | балансдаги махсус техникалар рўйхати ва тех.паспортлари илова қилинди | 12             | Экспертная |            |         |
| SANGZOR TA'MINOT INVEST MCHJ | 15        | Хужжат илова килинади   | 15             | Экспертная |            |         |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника       | Стартовая сумма     | Предлагаемая сумма      | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения       | Оценка стоимости (балл) |
|------------------------------|---------------------|-------------------------|----------------------------------|------------------------|----------------------|------------------------|-------------------------|
| MUSLUMBEK STROY GROUP MCHJ   | 1 177 329<br>177.00 | 1 175 000 000.00<br>UZS | 1 175 000<br>000.00              | 00.00                  | 1 175 000<br>000.00  | 11.11.2022<br>10:55:40 | 19.89787                |
| SANGZOR TA'MINOT INVEST MCHJ | 1 177 329<br>177.00 | 1 169 000 000.00<br>UZS | 1 169 000<br>000.00              | 00.00                  | 1 169 000<br>000.00  | 11.11.2022<br>11:46:27 | 20                      |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника       | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|------------------------------|---------------------------------|--------------------------------|---------------|
| ZOMIN TUMANI ЙФУК            | Не прошел                       | Не прошел                      | Не прошел     |
| MUSLUMBEK STROY GROUP MCHJ   | 76.8                            | 19.89787                       | 96.69787      |
| MANSUR STROY HOUSES MCHJ     | Не прошел                       | Не прошел                      | Не прошел     |
| SANGZOR TA'MINOT INVEST MCHJ | 70.4                            | 20                             | 90.4          |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 177276 от 11.11.2022 года на приобретение Beshkubi QFY Axitxona mahallasida 2 km qishloq yo'lli asfalt qilinishi kerak! определила победителем:

MUSLUMBEK STROY GROUP MCHJ  
306362487

и резервный исполнитель: SANGZOR TA'MINOT INVEST MCHJ (304396668)

Проголосовали

| Комиссия              | Ф.И.О.                             | Голосование | Комментарии |
|-----------------------|------------------------------------|-------------|-------------|
| Председатель комиссии | AXMEDOV ELMUROD ABDUVALIYEVICH     | Согласен    |             |
| Член комиссии         | AXMEDOV XAYRULLA ACHILOVICH        | Согласен    |             |
| Член комиссии         | MAMATQULOV OLLOBERDI AXMAD O'G'LII | Согласен    |             |
| Член комиссии         | ESHMURZAYEV UMMATKUL KURAZOVICH    | Согласен    |             |